

ИШ ЮРИТУВНИ РАД ЭТИШ ВА ТУГАТИШ ҚАРОРЛАРИ УСТИДАН ШИКОЯТ ҚИЛИШ ВА ПРОЦЕССУАЛ ЧИҚИМЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Атаниязов Жасурбек Курбанбаевич

Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети
Олий таълимдан кейинги таълим факультети докторанти, капитан
телефон: +998972249998

jasurbekataniazov91@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7568162>

Аннотация: Ушбу мақолада бугунги кунда иш юритишни рад этиш ва тугатиш қарори қабул қилиш жараёнида процессуал чиқимларни ҳал этилишининг мавжуд муаммолари ва мазкур масалаларнинг ҳуқуқий тартибга солиш жиҳатлари, қарор устидан судга мурожаат қилиш ҳуқуқининг афзалликлари тадқиқ этилган. Тадқиқот ишида илмий-назарий қарашлар ва тергов ҳамда суд амалиёти ўрганилган, бунинг натижаси ўлароқ Ўзбекистон Республикаси, Жиноят-процессуал кодексига ва бошқа қонун ҳамда қонуности ҳужжатларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: процессуал чиқимлар, иш юритишни рад этиш, жиноят ишини тугатиш, статистик карточкалар, ҳарбий хизматчи, суд, моддий зарар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармонида етита устувор йўналишдан бири бўлган, мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш йўналишида “**Қонун устуворлиги ва конституциявий қонунийликни таъминлаш ҳамда инсон қадрини ушбу жараённинг бош мезони сифатида белгилаш**” кўрсатиб ўтилган[1].

Ҳарбий хизматчиларнинг жиноий қилмишлари бўйича иш юритишни рад этиш ёки тугатишнинг бошқа субъектларга нисбатан қўлланилувчи рад этиш ёки тугатишдан энг фарқли жиҳати бу – ҳарбий хизматчиларга нисбатан мазкур асосларни ЖПКнинг 345-моддаси 3-қисмига кўра фақатгина ҳарбий прокуратура идоралари томонидан амалга оширилиши ҳисобланади. Жиноят-процессуал қонунчиликда ҳарбий хизматчиларга нисбатан терговга қадар текширув вақтида иш юритишни рад этиш бўйича бошқа ваколат берилган мансабдор шахслар ҳам мавжуд, бироқ амалиётда бундай ваколат берилган (ҳарбий қисмлар, қўшилмаларнинг командирлари, ҳарбий муассасалар ва ҳарбий ўқув юртларининг бошлиқлари) мансабдор шахслар томонидан айблилик масаласини ҳал этмай туриб иш юритиш рад этилган ҳолатлари деярли учрамайди.

Юқорида келтирилган ҳолат албатта ҳарбий прокуратура идораларининг мутлоқ ваколати доирасида ҳал этилиши фикримизча ҳарбий хизматчиларнинг процессуал ҳуқуқларини чеклайди. Чунончи, ҳарбий хизматчиларнинг жиноий қилмиши бўйича иш юритишни рад этиш ёки жиноят ишини тугатиш қарорлари устидан шикоят қилиш келгусида юқори турувчи айнан ҳарбий прокуратура берилиши мумкин ҳолос. Бу эса кўп ҳолларда мазкур қарорларнинг бекор бўлмасдан ўз кучида қолишига олиб келмоқда.

Ҳарбий бўлмаган иш юритишни шаклида – мазкур масала ҳам тўлиқ ўз ечимини топган деб бўлмайди. Жумладан, амалдаги ЖПКнинг 338, 382-моддаларига мувофиқ, терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан қабул қилинган иш юритишни рад этиш ёки тугатиш қарорлари устидан назоратни прокурор томонидан амалга оширилиши белгиланган. Бундай ҳолларда прокурор қабул қилинган қарорни бекор қилади ва қўшимча терговга қадар текширув ёки қўшимча тергов ишларини ташкил этилишини белгилайди. Маълумки прокуратура идоралари ҳам терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов органлари ҳисобланади ҳамда мазкур йўналишларда процессуал ваколатлари мавжуд, мазкур органлар томонидан қабул қилинган қарорларни эса фақатгина прокурор ёки юқори турувчи прокурор томонидан назорат қилиниши фикримизча нотўғридир. Сабаби бунда ўзига нисбатан қарор қабул қилинаётган мазкур шахсларнинг ҳуқуқлари қайта-қайта чекланиши мумкин.

Масалан, Тошкент шаҳар ИИББ Тергов бошқармаси иш юритувида «NAVOI CORPORATION» МЧЖнинг таъсисчисига нисбатан ЖКнинг 228-моддаси билан Чилонзор тумани прокуратураси томонидан қўзғатилган 32/19-1227-сонли жиноят иши ҳужжатларига кўра, жиноят иши 2019 йил 12 апрелда қўзғатилган бўлиб, орадан деярли 3 йил ўтган бўлса-да, ҳалигача ҳеч қандай якуний қарор қабул қилинмаган. Ҳужжат сохталаштириш ҳолатининг ўзи 2006 йилда содир этилгани (16 йил ўтган) учун терговчилар томонидан жиноий жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетганлиги асоси билан жиноят иши бир неча бор тугатилган. Шунингдек, прокуратура органлари томонидан жиноят иши бир неча бор қайта тикланган.

Мазкур жиноят иши жами 7 маротаба тугатилиши бўйича қарор қабул қилинган ва барча қарорлар Тошкент шахрининг прокуратуралари томонидан бекор қилинган[2].

Юқорида жиноят иши ЖПКда жиноят ишини тугатиш ва қайта бошлаш чегараси белгиланмаганлиги сабабли бир неча маротаба тугатилган бўлсада, қайта тикланиб қўшимча терговга қайтарилган. Бу борада олимлар қуйидаги фикрларни билдирганлар.

Е.В.Коломеец[3], К.А.Таболина[4] ва В.М.Быковларнинг[5] фикрига кўра жиноят ишини тугатиш борасидаги қонунийликни назорат қилиш прокурор зиммасидалиги сабабли, қарорни қайта-қайта бекор бўлишини олдини олиш учун прокурорнинг мазкур қарорни қабул қилишга розилик бериши мазкур масалани ҳал этади.

Юқоридаги олимларнинг фикрларига қўшилиб бўлмайди, уларнинг таклифини қонунчиликда акс этиши, жиноят ишларини тугатишни бугунги ҳолатидан деярли ўзгаришсиз қолишига олиб келади. Яъни бунда қарорга розилик берган прокурорнинг мазкур қарор бўйича юқори турувчи прокурор томонидан бекор қилинган ҳолатлари ҳам амалиётда кўплаб учрайди. Юқорида келтирилган ҳолат бунга ёрқин мисолдир.

Бу борада А.А.Хайдаров ва Н.С.Диденколарнинг фикрлари эътиборга лойиқ. Уларнинг таъкидлашича мазкур иш юритишни рад этиш ёки тугатиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилишда сўнги нуқтани судлар қўйиши лозим[6].

А.А.Хайдаров ва Н.С.Диденколарнинг фикрларига қўшилган ҳолда шуни эътироф этиш лозимки, бугунги кунда жамиятимиз томонидан судларга нисбатан ишонч тобора

ортмоқда, қолаверса сўнгги йилларда мамлакатимизда суд ҳимоясида бўлиш, яъни ишни судга қадар юритиш босқичида ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишини кафолатлаш, “Хабеас корпус” институтини амалда қўллашни кенгайтириш, тергов устидан суд назоратини кучайтириш соҳасида ислохотлар ўтказилмоқда.

Б.А.Саидов ҳам «Хабеас корпус» институтини янада кенгроқ қўллаш мақсадида жиноят-процессуал муносабатларда процесс иштирокчилари томонидан терговга қадар текширув органининг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг жиноят иши қўзғатиш ёки қўзғатишни рад этиш, тафтиш тайинлаш, суриштирув ёки дастлабки терговни тўхтатиш, жиноят ишини тугатиш ҳамда бошқа тергов ва процессуал ҳаракатларни ўтказишда қонунни ҳар қандай тарзда бузиш, шунингдек, шахснинг шаъни ва кадр-қимматини камситиш каби ҳолатлар устидан бевосита судга шикоят қилиш имкониятини кафолатловчи нормаларни жиноят-процессуал қонунчиликда акс эттириш зарурлиги таъкидлайди[7].

Юқорида келтирилган маълумотлар, бугунги кунда жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашда суд назоратини кучайтириш ва нафақат иш юритишни рад этиш ёки тугатиш борасидаги қарорлар балки, суриштирув ва дастлабки тергов органларининг бошқа қарорлари устидан судга шикоят қилиш тартибни белгилаш зарурати юзага келганлигини асослайди. Айниқса, бу борада ҳарбий хизматчиларнинг жиноий қилмишлар бўйича иш юритишни рад этиш ва тугатиш тўғрисидаги ҳарбий прокуратура идоралари томонидан қабул қилинган қарорлар устидан ҳарбий судларга мурожаат қилиш ҳуқуқини таъминлаш кафолатларининг ҳуқуқий асосларини яратиш зарурати яққол сезилмоқда.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиши, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланиши белгиланган[8].

Шунингдек, юқоридаги масалалар юзасидан шикоятларни кўриб чиқишда фақат прокурорнинг ваколатли эканлиги дастлабки терговни юритишда объективлик ва шаффофликни таъминлай олмайди.

Хорижий давлатларда хусусан, Россия Федерацияси Жиноят процессуал кодексининг 125-моддасига (Шикоятни суд тартибида кўриб чиқиш) кўра, туман судлари ваколатли органларнинг жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш, жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарори устидан берилган шикоятларни кўриб чиқади. Суд шикоятни 5 кун муддат ичида кўриб чиқади ва чиқарилган қарорларнинг қонуний ва асосли эканлигини текширади[9].

Қозоғистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси 106-моддасига (жиноий таъқиб органларининг, прокурорнинг қарорлари ва ҳаракат (ҳаракатсизлик)лари устидан келтирилган шикоятларни суд тартибида кўриб чиқиш) кўра, шахслар жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш, жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги тегишли органларнинг қарорлари устидан судга шикоят қилишлари мумкин. Шахс тегишли

органнинг қарори ёки прокурорнинг шикоятни қаноатлантиришни рад этганлиги тўғрисидаги қарорини олган кундан бошлаб 15 кунлик муддат ичида тегишли туман судига шикоят қилиши мумкин[10].

Молдова Республикаси ЖПКнинг 8-бобида “Судгача бўлган процессуал ҳаракатлар устидан суд назорати[11]”, Арманистон Республикаси ЖПКнинг 39-бобида “Суд иш юритувига қадар суд назорати[12]”, Озарбайжон Республикаси ЖПКнинг LII-бобида “Суд назоратини амалга ошириш[13]” ва бошқа давлатларнинг ЖПКда жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш, жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги тегишли органларнинг қарорлари устидан судга шикоят қилишлари мумкинлиги белгиланган.

Финляндияда жиноят процессуал қонунчилиги кодекслаштирилмаган бўлсада, мазкур муносабатларни бир неча қонунлар ўз ичига олади ва жиноят процессуал қонунларнинг 1-боби 9(а)-моддасига кўра, прокурор ушбу Қонуннинг 7 ёки 8-моддасидаги асосларга таянган ҳолда, устидан дастлабки тергов амалга оширилаётган шахснинг илтимосига кўра, жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилса, қарорни кўриб чиқиши учун судга топширади[14].

Юқоридагилар ҳулоса ўрнида қуйидагиларни таклиф сифатида илгари суриш ва мазкур таклифларни жиноят-процессуал қонунчиликда мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ.

Шу билан бирга иш юритишни рад этиш ёки тугатиш билан боғлиқ ҳолларда етказилган моддий зарар ўрни қопланганлигини мазкур қарорларда акс этиши ва процессуал чиқимлар ундирилиши юзасидан ҳам ЖПКда аниқ меъёрларнинг белгиланмаганлиги бу борадаги ҳуқуқий бўшлиқ ҳисобланади.

Бугунги кунда ЖПКнинг 40-бобида Процессуал чиқимлар ва уларни қоплаш тартиби белгилаб қўйилган бўлиб, унга кўра процессуал чиқимлар тоифасига:

- 1) жабрланувчиларга ва уларнинг вакилларига, гувоҳларга, экспертларга, мутахассисларга, таржимонларга, холисларга уларнинг процессуал ҳаракатлар ўтказиладиган жойга келиб кетиш, турар жойни ижарага олиш харажатларини қоплаш учун, шунингдек суткалик харажат пули тариқасида бериладиган суммадан;
- 2) доимий иш ҳақи олмайдиган жабрланувчиларга ва уларнинг вакилларига, гувоҳларга, холисларга уларни одатдаги машғулотида чалғитганлик учун тўланадиган суммадан;
- 3) экспертларга, таржимонларга, мутахассисларга улар суриштирув, дастлабки тергов ёки судда ўз вазифаларини бажарганлиги учун тўланадиган ҳақдан, ана шу вазифалар хизмат топшириғи тартибида бажарилган ҳоллар бундан мустасно;
- 4) ушбу Кодекснинг 50-моддасига мувофиқ судланувчи тўловдан озод қилинган тақдирда юридик ёрдам кўрсатганлик учун ҳимоячига тўланадиган ҳақдан;
- 5) ашёвий далилларни сақлаш ва жўнатиш билан боғлиқ харажатлар суммасидан;
- 6) экспертиза муассасаларида экспертиза ўтказиш учун сарфланган суммадан;
- 7) шахсларни ушлаш, мажбурий келтириш ва қидириш учун қилинган харажатлардан;
- 7¹) суриштирув, дастлабки тергов ёки суд мажлисини видеоконференцалоқадан фойдаланган ҳолда ўтказиш чоғида қилинган харажатлардан;
- 8) жиноят ишини юритишда қилинган бошқа харажатлардан иборат бўлиши белгиланган.

Мазкур бобнинг 320-моддасида юқоридаги процессуал ҳаражатлар кодекснинг 84-моддаси тартибида тугатилган ҳолларда қандай ундирилиши тартиби белгилаб қўйилмаган.

Шу сабабли, биз ушбу нормаларни қуйидагича тартибда белгилашни таклиф этамиз.

320-модда. Процессуал чиқимларни ундириш

Процессуал чиқимлар, ушбу модданинг олтинчи, еттинчи, саккизинчи ва **тўққизинчи** қисмларида назарда тутилганидан ташқари ҳолларда, маҳкумлардан ундирилади ёки давлат ҳисобига ўтказилади.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд ушбу кодекснинг 84-моддаси тартибида айблилик тўғрисидаги масала ҳал этмасдан тугатилган жиноят ишлари бўйича ишнинг судда қўрилишини ёхуд тергов ҳаракатлари ўтказиш билан боғлиқ процессуал чиқимлар ўзига нисбатан иш тугатилган шахсдан ундирилади. Бундан вафот этганлиги ёки руҳий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан тугатилган жиноят ишлари мустасно.

Шунингдек, ЖПКнинг 374-моддасида жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарорни тузиш қоидалари белгиланган бўлиб, мазкур қарорнинг тавсиф қисмида жисмоний ёки юридик шахсларга жиноят натижасида етказилган моддий зарар ўрни қопланиши баён этилиш борасида асос белгиланмаган. Бу эса энг аввало шахсларнинг диспозитив ҳуқуқлари натижасида шаклланган жавобгарликдан озод қилиш институтининг муҳим асоси ҳисобланган жиноят натижасида етказилган моддий зарар ўрни қопланиши шарти қарорларда акс этмай қолишига ва мазкур муҳим қоида иккиламчи ўринга тушиб қолишига олиб келиши мумкин.

Шу сабабли мазкур норманинг иккинчи қисми 6-бандига қуйидагича ўзгартиш киритишни таклиф этамиз.

374-модда. Жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарор

Жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарор белгиланган қоидаларга риоя қилинган ҳолда тузилади.

Қарорнинг тавсиф қисмида:

6) жиноят натижасида етказилган зарарни қопланганлиги ва фуқаровий даъвони таъминлаш чоралари баён қилинади.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони. // <https://lex.uz/docs/5841063>. – Т.: 2022 йил.
2. Турсунбоев Т. Ишламайдиган қонунлар билан адолатли жамият қуриб бўлмади ёхуд адвокатларга осон эмаслиги ҳақида узун ҳикоя.// Темур Турсунбоев. [https://kun.uz/news/2022/03/26/мурожаат санаси 16.08.2022 йил](https://kun.uz/news/2022/03/26/мурожаат%20санаси%2016.08.2022%20йил)
3. Коломеец Е.В. Согласование прокурором процессуальных решений органов расследования о прекращении уголовных дел. // Е.В.Коломеец / Вестник Омского университета. Серия «Право». 2018. № 3 (56). С. 186-189. DOI 10.25513/1990-5173.2018.3.186-189

4. Таболина К.А. Надзор прокурора за возбуждением и расследованием уголовных дел : дис... канд. юрид. наук. - М., 2016. - С. 229-230.
5. Быков В.М. Правовое положение прокурора на досудебных стадиях уголовного судопроизводства // В.М.Быков Российская юстиция. – 2016. – № 11. – С. 30-34.
6. Хайдаров А.А., Диденко Н.С. Принятие судом процессуального решения об отказе в удовлетворении ходатайства следователя о прекращении уголовного дела (уголовного преследования) в отношении // А.А. Хайдаров, Н.С.Диденко Уголовно-процессуальное право и криминалистика УДК 343.13 ББК 67.411 © 2018 г.
7. Саидов Б.А. Ишни судга қадар юритишда шахсинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишини такомиллаштириш. Юрид. фан. док. (DSc) дис. автореф.– Т.: 2020. – Б.7-8.
8. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // 44-модда. Т.: 1992 <https://lex.uz/docs>
9. Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации (от 18 декабря 2001 года) <http://pravo.gov.ru/proxy/ips/?docbody=&nd=102073942> мурожаат санаси 16.08.2022 йил
10. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан (с изменениями и дополнениями по состоянию на 09.07.2022 г.) https://online.zakon.kz/document/?doc_id=31575852&sub_id=0&pos=4;-111#pos=4;-111
11. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Молдова от 14 марта 2003 года № 122-XV (с изменениями и дополнениями по состоянию на 31.03.2022 г.) https://continent-online.com/Document/?doc_id=30397729#pos=6;-142 мурожаат санаси 17.08.2022 йил
12. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Армения от 1 сентября 1998 года №ЗР-248
13. Уголовно-процессуальный кодекс Азербайджанской Республики. Утвержден Законом Азербайджанской Республики от 14 июля 2000 года № 907-IQ. Статья 39
14. URL: <https://www.finlex.fi/en/laki/kaannokset/1997/en19970689.pdf> URL: https://www.finlex.fi/en/laki/kaannokset/1734/en17340004_20150732.pdf мурожаат санаси: 17.08.2022